

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ БОТИРЖОН РАВШАНОВИЧ

**ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ГЕНДЕРОЛОГИК ВА
ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

Ахмедов Ботиржон Равшанович

Паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва прагматик тадқиқи 3

Ахмедов Ботиржон Равшанович

Гендерологическое и прагматическое исследование паралингвистических
средств 25

Akhmedov Botirjon Ravshanovich

Genderological and Pragmatic Research on Paralinguistic Means..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ БОТИРЖОН РАВШАНОВИЧ

**ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ГЕНДЕРОЛОГИК ВА
ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифаси (www.adu.uz) ҳамда “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилора Абдухамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раупова Лайло Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Телефон/факс: 0 (374) 223 88 30, e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел.: 0 (374) 223 88 14).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Х. Шахабитдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.д.

М.Э. Умарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.,
профессор

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда тилни антропоцентрик ёндашув асосида тадқиқ этиш барқарорлашиб, лисоний бирликларни “тил ва унинг эгаси” муносабатдорлигида тадқиқ этиш, тил эгасига хос бўлган миллий-маданий, ижтимоий, руҳий ва когнитив белгиларни эътиборга олувчи лисоний йўналишларнинг ривожланиши натижасида тилнинг жамият билан алоқадорликда ўрганувчи социолингвистика тармоғи ҳам истиқболли йўналишга айланди. Бунда тилни ўз соҳиби, унинг миллий менталитети, жамиятда тутган ўрни, ёши ва жинси билан бирга тадқиқ этишга эътибор қаратилди. Айниқса, нутқий мулоқот ва унинг юзага чиқишини таъминловчи турли воситалар тилшуносликнинг асосий ўрганиш объектларидан бирига айланди.

Дунё тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам нутқий мулоқотнинг новербал воситалари (овоздаги турли ҳолатлар, ишоралар, мимика ва гавда ҳаракатлари) тадқиқи тилнинг турли аспектларида амалга оширилган. Замонавий ҳаёт реалиялари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги дунёнинг барча жамиятида мулоқот ўта эркин, кутилмаган ҳамда тил қоидаларидан йироқлиги билан характерланади. Бунда новербал воситаларнинг ўрни ҳар қачонгидан ортган ва улар ўз зиммаларига катта прагматик юкни ола бошлади. Айниқса, уларнинг жинсий хосланган ва нутқий вазият билан боғлиқ прагматик жиҳатлари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, таълим ва тарбия соҳасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, маънавий соҳадаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зеро, “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. Шунинг учун “биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”². Юқорида келтирилган фикрлардан маълум бўладики, бу нутқий мулоқотнинг ажралмас узви сифатида хизмат қилувчи, унинг бетакрор жозибасини кўрсатишга қаратилган изланишларни ҳам фаоллаштиришни тақозо этади. Маълумки, жамиятимизнинг жадал ривожланиши, айниқса, юртимизда туризм соҳасига берилаётган эътиборнинг ошиши ҳамда чет эллик сайёҳларнинг юртимизга ташриф буюриши ўзбек тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж ортиб боришини кўрсатмоқда. Англашиладики, тилни ўрганишда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

² Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – № 196 (6860).

“коммуникациянинг атрибути” бўлган имо-ишораларни ўрганиш ҳам аҳамиятли саналади. Чунки, ҳар бир тилнинг ўзига хос бўлган, мулоқот жараёнида вербал бирликларга қўшимча воситалар – мулоқотнинг новербал воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг миллий-маданий, урфий, диний, ментал ва жинсий хусусиятларини эътиборга олиш нутқий мулоқотнинг тўғри юзага чиқишида асосий омиллардан саналади. Шунинг учун тилимизга хос новербал воситаларнинг гендерологик ва прагматик хусусиятларини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида паралингвистик воситалар турли аспектларда Г.В.Колшанский, И.Н.Горелов, Г.Е.Крейдлин, Р.К.Потапова, В.В.Потапов, А.Пиз, Б.Пиз, В.А.Пронников, И.Д.Ладанов, С.Степанов, С.А.Гарькавец, И.Кузнецов, Ж.Мессинжер, Л.И.Дмитриева, Л.Н.Клокова, В.В.Павлова, Т.Н.Пыркина, И.А.Ахьямова, Г.В.Барышникова, М.Л.Бутовская каби олимлар³нинг тадқиқотларида ёритилди.

³ Қаранг: Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974.; Горелов И.Н. Невербальные компоненты коммуникации. – Москва: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009. – 112 с.; Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика: язык тела и естественный язык. – Москва: Новое литературное обозрение, 2002. –

Паралингвистик воситаларнинг мазмуний ва стилистик тадқиқи бағишланган ишлардан ўзбек тилшунослигида А.Нурмонов, М.Саидхонов, С.Мўминов, Ш.Искандарова, А.Арипова, З.Акбарова, Қ.Расулов, А.Ҳайдаров, Г.Тоирова, Қ.Кахаров, Х.Исмоиловлар⁴нинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари” номли рисоласи ўзбек тилшунослигида паралингвистик воситаларни ўрганишга қаратилган дастлабки тадқиқот ҳисобланади. Шунингдек, М.Саидхоновнинг “Новербал воситалар ва ўзбек тилида уларнинг ифодаланиши” номли номзодлик иши ўзбек паралингвистик воситалари тадқиқ этилган биринчи монографик ишдир. Шунингдек, С.Мўминов “Ўзбек мулоқотининг жинс хусусиятлари”⁵ номли мақоласида ўзбек нутқий мулоқотининг эркаклар ва аёлларга хос жиҳатларига тўхталиб, улар нутқида қўлланилмайдиган новербал воситалар хусусидаги фикрларини баён қилган. Мазкур ишларда паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва нутқий вазият билан боғлиқ прагматик жиҳатларига эътибор қаратилмаган.

Бугунги кунга қадар олиб борилган тадқиқотларда ўзбек тилидаги паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва прагматик жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу масаланинг монографик планда ўрганишни тақозо этади.

592 с.; Крейдлин Г.Е. Мужчины и женщины в невербальной коммуникации. – Москва: Языки славянской культуры, 2005. – 224 с.; Потапова Р.К., Потапов В.В. Язык, речь, личность. – Москва: Языки славянской культуры, 2006. – 496 с.; Пронников В.А., Ладанов И.Д. Язык мимика и жестов. – Москва. 1998. – 212 с.; Кузнецов И.Н. Мимика и жесты. – Минск. 2007. – 238 с.; Мессинжер Ж. Словарь жестов. – Москва: РИПОЛ классик, 2015. – 720 с.; Дмитриева Л.И., Клокова Л.Н., Павлова В.В. Словарь языка жестов. – Москва. 2003. – 320 с.; Пыркина Т.Н. Вербальные и невербальные средства выражения согласия и несогласия в речи на неродном языке: дисс. ... канд. филол. наук. – Череповец. 2016. – 254 с.; Гарькавец С.А. Тактильно-кинестическая система человека и ее роль в межличностной коммуникации. – Луганск: Ноулидж, 2012. – 184 с.; Гарькавец С.А. Психология невербального общения. – Северодонецк: Петит, 2015. – 214 с.; Бутовская М.Л. Язык тела: природа и культура (эволюционные и кросс-культурные основы невербальной коммуникации человека). – Москва: Научный мир, 2004. – 440 с.; Барышникова Г.В. Гендерные различия эмоциональной компоненты во французской художественной коммуникации (на материале литературы XVII-XX веков): дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2004. – 184 с.; Ахьямова И.А. Формирование культуры невербального общения студентов в профессиональном образовании: автореферат дисс. ... докт. педаг. наук. – Москва, 2013. – 39 с.; Степанов С. Язык внешности. – 2001. – 206 с.

⁴ Қаранг: Нурмонов А. Инкорнинг паралингвистик воситалар билан ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – № 1.; Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари. – Андижон, 1980. – 24 б.; Саидхонов М. Новербал воситалар ва ўзбек тилида уларнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1993.; Нурмонов А., Саидхонов М. Паралингвистические средства выражения утверждения и отрицания // Советская тюркология. 1986, № 5. – Б. 61-69.; Саидхонов М. Ишора феъллари семантикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, 1-сон. – Б. 38-41.; Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: Фан, 2008. – 83 б.; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993. – 140 б.; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт-ри дисс. – Тошкент, 2000. – 236 б.; Арипова А. Нотиқлик нутқининг лисоний-услубий воситалари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002. – 186 б.; Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 135 б.; Расулов Қ. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 139 б.; Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 136 б.; Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – 157 б.; Кахаров Қ. Ўзбек ва немис нутқий этикетларининг қиёсий тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Андижон, 2020. – 148 б.; Исмоилов Х.Т. Суд лингвистикасининг социолингвистик ва психолингвистик аспекти (Жиноят ишлари бўйича суд мажлиси мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Андижон, 2021. – 142 б.

⁵ Мўминов С. Ўзбек мулоқотининг жинс хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. 5-сон. – Б. 64-66.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилни система сифатида тадқиқ этиш, татбиқий тилшунослик, когнитив тилшунослик” мавзуси билан боғлиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбеклар нутқий мулоқотида ишлатилувчи жинсий хосланган новербал воситаларнинг прагматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нутқий мулоқотда паралингвистик воситаларнинг ўрни масаласини очиб бериш;

паралингвистик воситаларнинг маданиятлараро хосланишини таҳлил этиш;

ўзбек паралингвистик воситаларининг гендерологик ва прагматик хусусиятларини тавсифлаш;

жинсий хосланган ўзбек паралингвистик воситаларини аксиологик тадқиқ этиш;

паралингвистик воситаларнинг гендерологик таҳлили асосида ўзбек эркак ва аёлларига хос маданий меъёрларни аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбеклар нутқий мулоқотининг новербал (фонацион, кинетик ва проксемик) воситалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек паралингвистик воситаларининг гендерологик ва прагматик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда умумфалсафий методлардан кузатув, анализ, синтез, тавсифлаш; лингвистик методлардан қиёслаш, лингвомаданий, прагматик, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паралингвистик воситалар шахснинг психологик, ижтимоий, миллий-маданий, маънавий ва жинсий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган нутқий мулоқотнинг зарурий компоненти эканлиги далилланган;

жинсий хосланган ўзбек паралингвистик воситаларининг нутқий вазият билан боғлиқ маънолари ҳамда прагматик хусусиятлари очиб берилган;

жинсий хосланган ўзбек паралингвистик воситаларининг аксиологик вазифа бажариши, вазият, ҳолат ва инсонларнинг характер хусусиятларини ижобий ёки салбий баҳолаш имкониятлари очиб берилган;

ўзбеклар мулоқотидаги паралингвистик воситаларининг гендерологик ва прагматик таҳлили асосида эркак ва аёлларга хос бўлган новербал воситаларнинг жамият ҳаётидаги маданий меъёрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

паралингвистик воситалар миллий хусусиятларни ўзида гавдалантирувчи, урф-одатлар, ритуаллар, адаб хатти-ҳаракатлари билан алоқадор бўлган нутқий мулоқотнинг ажралмас узви эканлиги ҳамда ўзига хос прагматик мазмун касб этиши ва гендерологик хусусиятлари кўрсатиб берилган;

аниқ мисоллар асосида нутқий мулоқотда қўлланувчи новербал воситалар фонацион, кинетик ва проксемик новербал воситалар гуруҳларига ажратилган;

баҳо ифодалаш нуқтаи назаридан паралингвистик воситалар уч гуруҳга: ижобий, салбий ва ситуатив баҳо ифодаловчи паралингвистик воситаларга ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузалар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар шаклланиш босқичида турган ўзбек функционал тилшунослигини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек паралингвистик воситаларининг мисолида амалга оширилган гендерологик ва прагматик таҳлиллар лингвомаданиятшунослик, нутқ маданияти, прагмалингвистика, социалингвистика, психалингвистика фанлари бўйича яратиладиган ўқув қўлланмаларининг мукамаллашуви учун хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва прагматик тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мулоқот жараёнида узатилаётган ахборотнинг эмоционал-экспрессив бўёғини етказишда, унинг тушунарли ва таъсирли бўлишини таъминлашда лингвистик бирликлар билан бир қаторда паралингвистик воситаларнинг ўрни ҳамда уларнинг гендерологик хусусиятларини ёритишдаги хулосаларидан “А-1-126. Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари” давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 89-03-815-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришда нафақат лисоний бирликлар ва уларнинг вокеланиш усуллари ҳақидаги билимлар, балки уларга ёндош бўлган паралингвистик воситалар ҳамда уларнинг мулоқот жараёнидаги аҳамияти ҳақидаги билимлари ҳам муҳимлиги аниқланган;

нутқий мулоқотда паралингвистик воситаларнинг ўрни, уларнинг маданиятлараро хосланиши ҳамда эркаклар ва аёлларга хос бўлган паралингвистик воситаларнинг прагматик таҳлилидан олинган хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали Давлат унитар корхонасининг “Бедорлик”, “Хуқуқий ечим”, “Ким ҳақ?” номли эшиттиришларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston teleradiokanali” Давлат унитар

корхонасининг 2021 йил 1 апрелдаги 04-25-481-сон далолатномаси). Натижада, ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материаллар илмий далиллар билан бойиган, мукаммаллашган, қизиқарлилиги, ҳаётийлиги ҳамда илмий аҳамияти ортган.

Нутқий мулоқотда паралингвистик воситалар прагматик мазмун ифодалаб, аксиологик аҳамият касб этиши, адресант ва адресатнинг нутқий вазиятга бўлган субъектив баҳосини кўрсатиб, ижобий ва салбий маъно ифодалашига доир назарий хулосаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Mahalla teleradiokanali” Давлат унитар корхонаси “Жамият тақдири”, “Оила тилсими”, “Ижтимоий модернизация” каби кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Mahalla teleradiokanali” Давлат унитар корхонасининг 2021 йил 16 июндаги 02-10-613-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувлар мазмунан бойиб, телетомошабинларда паралингвистик маданиятнинг шаклланишига туртки бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Паралингвистик воситалар нутқий мулоқотнинг ажралмас узви сифатида”** деб номланган биринчи бобида гендер ва новербал воситалар, нутқий мулоқотда паралингвистик воситаларнинг ўрни, паралингвистик воситаларнинг маданиятлараро хосланиши каби муаммолар ёритилган. Ушбу бобнинг биринчи фасли “Гендер ва новербал воситалар” деб номланади. Гендер лингвистикаси ҳозирги ўзбек тилшунослигида тадқиқот марказига тортилаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Гендер лингвистикаси нафақат социолингвистика, психолингвистика, балки

тилшуносликнинг барча йўналишлари билан бир қаторда инсон, кишилик жамиятини ўрганадиган бошқа фанлар учун ҳам қизиқиш касб этади.

Гендер – инглизча “gender” – “жинс” сўзидан олинган бўлиб, жинс тушунчасини физиологик воқелик устқурмаси бўлган ижтимоий қурилма сифатида белгилайди⁶. Гендер тушунчасининг киритилиши энг умумий маънода икки тушунча – биологик ва ижтимоий жинс тушунчаларини фарқлашга ёрдам беради. Инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб аёллар ва эркеклар ўртасидаги тафовут кўзга ташланади. Бу тафовутлар дастлаб, уларнинг бажарадиган юмушларида, кейинчалик кишилик жамиятининг тараққий этиши натижасида, уларнинг хулқ-атворида, кийинишида, юриш-туришида, шунингдек, сўзлашида ҳам ажрала борган.

Эркек ва аёллар нутқининг юзага келишида уларнинг психологик хусусияти, ёши, касб-кори, ижтимоий келиб чиқиши ва оилавий муҳити алоҳида аҳамият касб этади. Гендерологик тадқиқотларнинг асосини ташкил этувчи назарий қарашлар замирида ҳам ижтимоий жинс тушунчаси ётади. Кундалик ҳаётимизда жинс билан боғланмаган кўплаб тушунчалар “эркекларга хос” (маскулинлик) ёки “аёлларга хос” (феминлик) деб ҳисобланади.

Маскулинлик ва феминлик тушунчалари турли ижтимоий тасаввурлар, фикрларни ўз ичига олади, эркеклар ва аёллар қандай, уларга қайси хусусиятлар мақбул эканлиги аниқланади. Маскулинлик ва феминлик тушунчаларида идеал эркек ва идеал аёлнинг меъёрий қолиплари ўз ифодасини топади. Ҳар бир шахсда ушбу хусусиятлар қанчадир миқдорда мавжуд бўлади ва нутқий мулоқотда ўзини намоён қилади. Шахс характерида маскулинлик ёки феминлик миқдорининг у ёки бу томонга ўзгариб бориши кўп жиҳатдан ижтимоий омиллар билан боғланади. Табиийки, бу ҳолат шахсларнинг нутқида ҳам ўз ифодасини топади. Шу билан бирга, оғзаки нутқига мос ҳолда паралингвистик воситалар орқали фикр ифодалаш хусусиятида ҳам ўзгаради. Шунинг учун гендеролингвистик тадқиқот ҳамоҳанг тарзда паралингвистик тадқиқотга мурожаат қилади. Булар бир-бирисиз тўлиқ реаллаша олмайди.

Эркек ва аёлларнинг тана тузилиши ва физиологик ўзига хослиги уларнинг турлича ҳаракатланишини тақозо этади. Бу ўзига хос гендер хусусиятлари кундалик мулоқотда, айниқса, уларнинг новербал воситалардан фойдаланишида яққол кўзга ташланади. Улар мулоқот жараёнида турлича имо-ишора, мимика ва жестлардан фойдаланади. Бизга яхши маълумки, аёллар кўпроқ кескин бўлмаган, силлиқ ва мулойим ҳаракатларга мойил бўлишади: “– Ваҳимангиз қурсин, Кимсанжон! – Фотима келин энди тилга кирди. – Туф-туф... Яхшиям қорнимда болам йўқ, нақ Шокир акамдан балога қолардингиз” (Ў.Ҳошимов). Кумушбиби рўмолининг учини оғзига босиб, югурганича ўтовдан чиқди (О.Ёқубов). Олимларнинг таъкидлашича, бунга асосий сабаб – азалдан аёлларнинг вазифаси ўз хонадонини обод қилиш ва фарзанд тарбияси бўлиб келган. Бу вазифаларни бажариш учун эса аёллардан сокинлик ва юмшоқлик талаб қилинган.

⁶ Гидденс Э. Социология. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 185.

Эркакларнинг новербал воситалардан фойдаланишдаги умумий хусусияти шуки, улар кўпроқ кескин, импульсив ва жисмоний куч талаб қилувчи ҳаракатлардан фойдаланадилар. Бунинг сабаби қадимдан эркак кишининг вазифаси оиласини хавф-ҳатардан ҳимоя қилиш, ўлжа овлаш ва жисмоний куч талаб қилувчи ишлар бўлган. Табиийки, бундай вазифалар уларнинг хатти-ҳаракатлари ва улар фойдаланадиган новербал воситаларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, *Соат шахдам қадамлар билан югуриб келиб сувга ташлади. (Ў.Ҳошимов). Оқсоқол бир ҳатлаб, яқин борди. - Менга қара, - деди жиловга қўл чўзиб. От ҳуркиб, бошини кўтарди. Сувлиги шиқирлаб кетди. – Бешигимни тебратганмисан?! (Ў.Ҳошимов).*

Жамиятда эркак ва аёллар тенг ҳуқуқлилигининг таъминланиши, аёлларнинг турмуш шароити, яшаш тарзи, иш фаолияти, кундалик мулоқотига ва новербал хулқ атворига ҳам сезиларли таъсирини ўтказди. Айрим ҳолларда, муайян ижтимоий омиллар (иш жойи, бажарадиган машғулоти) таъсирида аёллар нутқида ва новербал ҳаракатларида “эркаклашиш”ни кузатиш мумкин. Масалан, раҳбар аёллар нутқидаги жарангдорлик, қатъийлик ва ҳуқуқ-тартибот органларида ишловчи аёллар нутқидаги кўполлик ва ш.к. шулар жумласидандир.

Бобнинг иккинчи фасли “Нутқий мулоқотда паралингвистик воситаларнинг ўрни” деб номланган бўлиб, ушбу фаслда антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бўлган паралингвистика ҳақида сўз юритилиб, новербал воситалар ва уларнинг нутқий мулоқотдаги аҳамияти ёритилган. Олимларнинг бу соҳа бўйича қарашлари таҳлил қилиниб, муносабатлар билдирилган ва ўзбеклар нутқий мулоқотида қўлланувчи паралингвистик воситалар таснифланган.

“Ҳеч бир тилни “тил эгаси”дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Чунки ҳар бир нутқий актда сўзловчи шахснинг изи сезилиб туради. Структур тилшуносликнинг ана шу чекланган томонини бартараф қилиш учун ҳозирги кунда антрополингвистика ривожлана бошлади”⁷. Антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади⁸. Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бўлган лингвокультурология ва лингвоўлкашуносликнинг таркибий қисми паралингвистика⁹ бўлиб, у нутқ алоқасини тўлдириб, изоҳлаб келувчи, ахборот узатувчи, фикр ифодалашда ёрдамчи восита бўлувчи тилшунослик соҳасидир¹⁰.

Нутқий мулоқотни оддий нутқдан – лисоний имкониятларнинг муайян моддий шаклда воқеланишидан – фарқловчи муҳим омил сифатида мураккаблигини ва унинг вербал ҳамда новербал воситаларнинг ўзаро уйғунлашуvidан иборат бўлган бутунлик эканлигини кўрсатиш мумкин¹¹.

⁷ Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. III жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 40.

⁸ Худойберганава Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 5.

⁹ Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 213.

¹⁰ Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 4.

¹¹ Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 42.

Таъкидлаш лозимки, нутқий мулоқотни амалга оширишда вербал бирликлар базис, асос вазифасини бажаради. Лекин новербал бирликлар мулоқот жараёнининг жонлилигини, эмоционаллигини таъминлаган ҳолда, коммуникантларнинг мулоқот жараёнидаги руҳий ҳолати, дунёқараши, ижтимоий мансублиги, маданияти ва маънавияти каби хусусиятлари ҳақида маълумот ташувчи устқурма вазифасини бажаради ва нутқнинг тушунарли бўлишида ҳамда мақсад қилинган маънонинг тўла намоён бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам фикр ифодалашда вербал воситага ёрдамчи равишда турли қўшимча новербал воситалар нутқий мулоқотни амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди. Чунки нутқ жараёни, диалогик вазият ва сўзлашувчиларнинг психологик ҳолати, фикр ифодалашда имо-ишорадан, товуш ўзгаришларидан, бадан ҳаракатларидан фойдаланишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, новербал воситалар нутқий мулоқотнинг ажралмас бир қисми сифатида лисоний бирликлар системасига ёндош бўлган алоҳида системани ташкил этади. НOVERбал воситалар вербал восита билан боғлиқ ҳолда текширилгани учун ҳам бевосита тилшуносликнинг ўрганиш объекти саналади.

Паралингвистик воситалар¹²нинг нутқий мулоқотдаги иштироки ва бажарадиган вазифаси юзасидан олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган. Тадқиқот иши доирасида ушбу фикрлар таҳлил қилиниб, муносабатлар билдирилган ва новербал воситалар нутқий мулоқотда куйидаги вазифаларни бажариши таъкидланади:

- вербал воситани қўллаб-қувватлайди;
- нутқий ифода ўрнида қўлланади;
- инсон ички ҳис-туйғуларини ифодалайди.

Паралингвистика йўналиши бўйича олиб борилган тадқиқотларда, уларнинг таснифи масаласида ҳам фикрлар хилма-хиллигини кўришимиз мумкин. Тадқиқот иши доирасида нутқий мулоқотда қўлланувчи новербал воситаларни 1) фонaцион новербал воситалар (товушнинг тони, баландлиги, интонация), 2) кинетик новербал воситалар (маълум маъно ифодалаш учун ишлатиладиган бош, қўл, елка, бадан, юз, кўз, лаб ва қош ҳаракатлари), 3) проксемик новербал воситалар (нутқий мулоқотда суҳбатдошлар орасидаги майдон) каби гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ кўрилди.

Бобнинг “Паралингвистик воситаларнинг маданиятлараро хосланиши” деб номланган учинчи фаслида нутқнинг миллий прагматик қўламини кенгайтирувчи паралингвистик воситаларнинг лингвомаданий хусусиятлари аниқ мисоллар ёрдамида далилланган.

¹² Адабиётларда паралингвистик воситалар хусусида икки хил қараш мавжуд. Биринчи қараш вакиллари (И.Яковлев, Г.Крейдлин) паралингвистика хусусида фақат фонaцион воситаларни тушунсалар, иккинчи қараш вакиллари (Г.Колшанский, А.Нурмонов, М.Саидхонов) эса бу хусусида коммуникацияда фаол иштирок этадиган барча суперсегмент воситалар, имо-ишора ва мимикаларни назарда тутадилар. Биз ишимизда нутқий мулоқотни юзага чиқишида ёрдамчи бўлган барча новербал воситаларни, хусусан, маълум мазмун ифодалашга қаратилган барча бадан ҳаракатлари, юз ифодалари, оҳанг элементлари (товушнинг тони, баландлиги, интонация) ва экстралингвистик воситалар (йўталиш, хўрсиниш, кулиш, йиғлаш)ни паралингвистика таркибига киритганмиз. Ўрни билан паралингвистик восита, новербал воситага синоним сифатида ишлатилган. Имо-ишоралар эса паралингвистик воситаларнинг таркибий қисми бўлган кинетик воситаларга синоним сифатида қўлланилган.

Нутқий мулоқотнинг новербал воситалари – юз ифодалари, имо-ишоралар, кўз билан алоқа қилиш, интонация – қаерда ва ким билан мулоқот қилишимиздан қатъий назар умумбашарийдир. Аммо ҳар бир мамлакат маданияти ўз қонунларига кўра ривожланади ва ҳар бир мамлакат новербал мулоқотнинг ўзига хос хусусиятларига эга. Бу хусусиятларни билиш ҳар бир кишига “хорижий ҳудуд”¹³ бўйича суҳбатдош билан мулоқотни самарали йўлга қўйишга ёрдам беради.

Овознинг сифати билан боғлиқ парафонетик воситалар ғарб ва шарқ тилларида жуда катта фарқ қилади. Бу фарқни рус, япон ва бошқа тилларда ҳам кузатиш мумкин. Овоз тони, интонация, тўхтам, товушнинг чўзиқ-қискалиги каби фонетик концепт системаси универсалия бўлишдан ташқари индивидуаллик ҳам касб этиб, нутқ прагматикасини кенгайтиради. Фикр ифодалашдаги умумий фонацион воситага маълум халқ вакилларининг ўзига хос талаффузи учун характерли бўлган хусусиятлар киради. “Ислом дини ўз таъсирини ўтказган Ўрта Осиё халқлари аёлларидаги тобелик, андиша улар ўз фикрини ифодалаганларида паст овозда, секин гапиришларига таъсир этган. Натижада, уларнинг нутқларида тобелик, мутелик ифодаловчи овоз оҳанги ҳукмрон бўлган”¹⁴:– *Ёшлик қилибсиз, айланай. Билмабсиз. У ашулачи қизнинг довруғи дунёни босди... Ҳаммининг оғзида ўша (Чўлпон).*

Кўл бериб кўришиш турли миллат ва маданиятларда турлича амалга оширилади. Шимолий Европа аҳолиси кўл бериб кўришганда бир-бирларининг кўлларини жуда қисқа муддат қисишади ва дарҳол қўйиб юборишади. Жанубий Европа, Марказий ва Жанубий Америкада эса узоқ муддат кўл сиқишиш одатий ҳолдир. Ҳаттоки кўл бериб кўришиш асносида чап кўл билан суҳбатдошнинг кўлини ёки билагини ушлаш ҳам кўп учрайди. Африка давлатларида одатда кўл учида енгил кўришилади¹⁵.

Хитойлар бегоналар билан фақат расмий даражада ўзаро алоқа қилишда кўл бериб кўришишдан фойдаланишади. Улар суҳбатдошига ўз ҳурматини билдириш мақсадида, икки кўллаб кўришиб, узоқ вақт силкитиши мумкин. Яқин ва бир-бирини яхши биладиган одамлар билан мулоқот қилишда кўл бериб кўришиш эмас, балки елка қоқиб, кучоқлаб кўришиш кенг тарқалган.

Яқин Шарқда кўл бериб саломлашиш жуда кенг тарқалган. Арабларда ҳам кўл бериб кўришишдан ташқари пешонасига кўл кафти билан тегиб, сал таъзим қилишади. Кекса киши суҳбатдошига ўз ҳурматини кўрсатиб, кўл силтагач, аввал кафтини ўпади ва пешонасига теккизади. Агар араб эркаклар узоқ вақт бир-бирларини кўрмаган бўлсалар, учрашганларида елкаларини кучоқлаб, ўпадилар. Улар бир-бирини кучоқлашиб, узоқ вақт туриб қолишса, бу узоқ ажралишдан сўнг кўришганлик, яқинлик ва қувонч маъноларини ифодалайди.

Ўзбекларда кўл бериб кўришиш қисқа бўлади. Лекин қатъий ва ғайратли кўл сиқиш енгил ва юмшоқ кўл сиқишдан афзал ҳисобланади. Алоҳида ҳурмат белгиси сифатида икки кўл билан кўришилади. Масалан, — *Дастаиша*

¹³ <https://orator.biz/library/oratorical/osobennosti-neverbalnogo-obshcheniya-v-raznykh-stranakh/>

¹⁴ Саидхонов М. Алоқа аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 47.

¹⁵ Юнусов Қ., Саттибаев И. Танамиз тилга кирганда. – Тошкент: Истиклол нури, 2016. – Б. 105.

гир, — деди Раҳим. Шариф билан Қобилга икки қўлини чўзиб, улар иккиси ҳам илжайган кўйи қўлларини бердилар (А.Қодирий).

Икки қўллаб кўришиш Шимолий Америка мамлакатларида агрессия ва устунлик белгисидир. Яна бир маданиятимизга хос жиҳат шуки, ёши ёки мавқеи юқорироқ шахс кўришиш учун қўл узатмаса, бошқа тараф қўл узатмайди. Худди шундай ҳолат шарқ халқларида аёллар билан кўришишда ҳам ўзига хослик касб этиб, аёллар қўл узатмаса, кўришилмайди.

Суҳбатдошлар орасидаги масофа новербал мулоқотнинг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек маданиятида саломлашиш 2 дақиқадан 5 дақиқагача давом этади, саломлашув сўзларидан кейин, албатта, суҳбатдошнинг аҳволи, меҳнат фаолияти, оила аъзоларининг умумий аҳволи ҳақида сўралади. Ўзбеклар тез фурсатда ҳол-аҳвол сўраб кетиб қолишдан истиҳола қиладилар ёки ушбу ҳолатни ҳурматсизликка йўйишади. Саломлашиш жараёни паралингвистик воситалар (қўл узатиб кўришиш (эркакларда), юз уриштириб, елкага қоқиб, қўлидан ушлаб кўришиш) билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилади. Саломлашишда эмоция ҳам рол ўйнайди, яъни очик чеҳра билан табассум қилиб, очиккўнгиллилик ва ўта самимият билан сўрашилади. Суҳбатдошлар ўртасидаги масофа 60-80 см ни ташкил этади¹⁶. Узоқ Шарқ маданиятида, аксинча, суҳбат чоғида тегиш даражасининг пастлиги ва масофанинг узоқлиги кузатилади. Япон, корейс ва хитойликларнинг мулоқотида суҳбатдошга жуда яқинлашиш, қўл тегизиш, уни қучоқлаш, ўпиш каби ҳаракатлар хушланмайди.

Хуллас, инсон тана аъзолари ҳаракатлари орқали ифодаланувчи семантик концептни ўрганиш таржимашуносликда, гендер таҳлилда, лингвомаданий тадқиқда, психологик экспертизада ва ҳарбий разведка ишларида тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Жинсий хосланган паралингвистик воситаларнинг прагматик таҳлили**” деб номланган. Бобнинг биринчи фасли “Фонацион новербал воситаларнинг гендерологик тавсифи” деб номланади. Бу фаслда фонацион воситалар гендерологик таҳлил қилиниб, уларнинг эркаклар ва аёллар нутқида хос жиҳатлари ажратилган, прагматик хусусиятлари ёритилган.

Нутқий мулоқотда иштирок этувчи новербал воситалар ичида фонация энг фаол ахборот узатувчи унсурлардан бири ҳисобланади, чунки ҳар қандай лисоний жиҳатдан юзага чиққан коммуникация нутқий жараён натижаси саналади. Овоздаги фонацион хусусиятлар фикрнинг моддийлашувида аҳамиятли омиллардан саналади. Фонацион новербал воситалар шахснинг физиологик хусусиятлари билан алоқадор бўлиб, унинг психологик ҳолати билан боғлиқ бўлади ва доимо нутқий сўзлашув жараёнини тўлдириб боради.

Эркак ва аёлнинг умумий физиологияси, жумладан, нутқ аъзолари (ун пайчаларининг нозик ва тебранувчанлиги, ўпка, диафрагма, кўкрак қафаси, оғиз, бурун бўшлиқларининг катта-кичиклиги, кекирдак ва ҳ.к.лари)даги

¹⁶ Юсупова Д.И. Маданиятлараро мулоқотда ўзбек ва олмон тилларида саломлашув концептининг ифодаланиши // <http://fikr.uz/posts/poems/9374.html>

фарқлар уларнинг товуши – талаффузи ҳам бир-биридан фарқланишига сабаб бўлади¹⁷. Шунинг учун ҳам нутқий мулоқотда уларнинг ўзига хос овоз хусусиятлари яққол кўзга ташланади. Маълумки, эркак киши табиатан кўпол, кўрс бўлганлиги учун уларнинг нутқида йўғон, кучли ва бир оз дағаллик аралашган овоз оҳанги ҳукмронлик қилади. Эркак кишига хос бўлган жаҳл, қаҳр, ғазаб каби эмоционал хусусиятлар овознинг юқори тонда айтилишига сабаб бўлади. Эркак кишига талабчанлик, қатъийлик, сўзлашганда ташаббусни тез қўлга олишга интилиш, баланд овозда сўзлашга мойиллик, агрессивлик каби ҳислатлар хос бўлганлиги учун, уларнинг нутқида қуйидаги хусусиятларни кўпроқ кузатиш мумкин. Буларнинг артикуляцион механизмнинг физиологик жиҳатлари билан боғлиқ хусусиятлари қуйидагилар: *йўғон овозда гапириш, дўнғиллаб гапириш, дўриллаб гапириш, бигиллаб гапириш, бўғиқ овозда гапириш, хириллаб гапириш, тўнғиллаб гапириш, йўғон ва босинқи овозда гапириш, ҳарсиллаб гапириш*; қуйидаги фонцион новербал воситалар эса нутқий вазиятда турли прагматик мазмун ифодалаш учун ишлатилади: *қаҳр ва ғазаб билан гапириш, бақариб гапириш, зарда билан гапириш, таҳдид билан гапириш, баланд овозда гапириш, тетик оҳангда гапириш, ғазаб билан ҳайқириш, шошилмай тўхтам билан гапириш, дағ-даға билан гапириш, томоқ қириб гапириш, кулимсираб гапириш, хррр, ўх-хў, хў ва ҳ.к.*

Аёл кишига қизиқувчанлик, суҳбатдошига диққат қилиш, ҳамдардлик, юмшоқлик, мусиқийлик, паст овозда эшитишга мойиллик каби ҳислатлар хос бўлганлиги учун, уларнинг нутқида қуйидаги хусусиятларни кузатиш мумкин: *тобе ва муте овозда гапириш, паст тонда гапириш, маккорона гапириш, шивирлаб гапириш, ярим товуш билан гапириш, жеркиниб гапириш, чирқиллаб гапириш, жирқинқираб гапириш, шангиллаб гапириш, чинқириб гапириш, пичинг билан гапириш, ёлворган оҳангда гапириш, маюс товуш билан гапириш, гуриллаб гапириш ва ҳ.к.*

Бобнинг иккинчи фасли “Кинетик новербал воситаларнинг гендерологик ва прагматик хусусиятлари” деб номланган бўлиб, ушбу фаслда кинетик новербал воситалар таснифланган, уларнинг эркаклар ва аёлларга хос жиҳатлари ажратилган ҳамда прагматик хусусиятлари ёритилиб, нутқий мулоқотда қўлланилиш даражаси статистик таҳлил қилинган.

Маълумки, тана ҳаракатлари, қўл, бош, елка ҳаракатлари, инсоннинг турли юз ифодалари, кўзлар, лаб, кошларнинг турлича ҳаракатланиши нутқий мулоқотда фаол кузатилади. Буларни паралингвистиканинг таркибий қисми бўлган кинесика ўрганади. Паралингвистик восита сифатида имо-ишора ҳаракати аниқ биологик асосга эга бўлгани учун ҳар қандай тилнинг кинетик тизимида уларнинг эркаклар ва аёлларга хос жиҳатлари яққол кўзга ташланади. Кинетик новербал воситалар иккига: ишоравий ва мимик новербал воситаларга бўлинади.

Маълумки, ишоравий новербал воситаларга бош, қўл, елка, оёқ, гавданинг маълум маъно ифодалаш учун ишлатиладиган ҳаракат ва

¹⁷ Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 201.

ҳолатлари киради. Бу ишоравий новербал воситалар эркак ва аёлларда ўзига хос кўринишларда намоён бўлиб, нутқий мулоқотда турлича прагматик маъноларни ифодалаб келади.

Бош ҳаракати орқали фикр ифодалаш фаоллиги жиҳатидан қўл ҳаракатидан кейин иккинчи ўринда туради¹⁸. Эркаклар нутқида кўп кузатиладиган бош ҳаракатлари қуйидагилар: *бошни гоз тутishi, бошни қашishi, бошни ликиллатishi (лиқиллатishi), бошни чангаллаш, бош иргаш (пастга қараш), бош уриштириши* ва шу кабилар.

Аёллар нутқида кўп кузатиладиган бош ҳаракатлари эса қуйидагилар: *бошни осилтириши, бошни сарак-сарак қилиши (сараклатishi)* ва шу кабилар.

Таҳлилларга кўра, нутқий мулоқотда фаол қўлланадиган бош ҳаракатларининг 35% эркакларга хос, 12% аёлларга хослиги билан индивидуаллик касб этади. Бу ишораларнинг 53% умумий характер касб этиб, ҳар икки жинс вакиллари мулоқотида аралаш ҳолда кузатилади.

Қўл ҳаракати орқали фикр ифодалаш ўзбекларда фаол усуллардан саналади. Агар қозоқларда ишоралар анча умумий ва эркин, мимика эса жонли ва ёрқин бўлса, ўзбекларда бармоқ ҳаракатлари анча нозик ҳолда ишлатилиб, таъсирчанлик ифодалайди¹⁹. Умуман олганда, қўл фикр ифодалаш жараёнининг турли ўринларида ишлатилиши мумкин: у фикрни исботлайди, қўшимча мазмун беради, таъсирчанликни оширади, ҳис-ҳаяжон ифодалайди, изоҳлайди, тасвирлайди. Эркаклар фаол фойдаланадиган қўл ҳаракатлари қуйидагилар: *бармоғи билан бошга уриши, бармоғини (қўлини) тишлаш, бош бармоқни ўзига қаратиши, гежгани қашлаш, ёқасидан тутishi, ёқасини тортиши, елкасидан тутishi, елкага уриши, енг шимариши, кўкракка уриши, кўрсаткич бармоқни пистолет қилиши, қўл бериши, қўл кафтларига тупуриши, қўлларни орқага қўйishi, қўлни бигиз қилиши, қўл сиқишиши, қўлни мушт қилиши, энсани қашлаш, қўлни пешонага уриши, қўлларни артиши, қўлларни бирлаштириши, қўлларни қирсиллатishi, қўлни маҳкам қисиб, тортиб сўраishi, қучоқлашиб кўриishi, қўшқўллаб кўриishi, муштини тираши, муштлиш, чертиши, тиззага уриши, томоққа чертиши, ўнг қўл билан билан ошни ошаган сингари оғизга олиб бориши, қўл олишиши, қўлни паҳса қилиши, қўлларни қовуштириши, қўлларни бош орқасига чалиштириши, иякни силаш ва ҳ.к.*

Аёллар фаол фойдаланадиган қўл ҳаракатлари эса қуйидагилар: *бўйинни силаш, енг учини ўйнаш, рўмолини учини лабга босиши, кўрсаткич бармоқни иякка тираши, қўлларнинг найзасимон ҳолати, қўл билан бурунга тегishi, қўлни ўйнаш, қўлни юзга қўйishi, қўли билан юзини яшириши, кўрсаткич бармоқни юзга тираши, иякни силаш, кўрсаткич бармоқни чаккага тираши, сабабсиз оғизни тўсиб гаптириши* ва ҳ.к.

Таҳлил натижаларига кўра, қўл ишоралари аёлларга нисбатан эркакларда индивидуаллик жиҳатидан кўпроқ кўринишларда намоён бўлиб, ушбу ишораларининг жами сонига нисбатан 42%и эркакларга хос, 14%и эса

¹⁸ Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 51.

¹⁹ Сыдыкбекова Ф. Особенности коммуникативного поведения киргизов // Национально-культурная специфика речевого общения народов СССР. – Москва: Наука, 1982. – С. 132.

аёлларга хослиги кузатилди. Қўл ишораларининг 44%и умумий характер касб этиб, ҳар икки жинс вакиллари мулоқотида аралаш ҳолда қўлланади

Елка маълум ахборот етказишда анча пассив ҳисобланади. Ўзбеклар нутқий мулоқотида ҳам елка билан боғлиқ ишоравий ҳаракатлар санокли бўлиб, улар қуйидагилар: *елкалар силкиниши, елка қисши*. Нутқий мулоқотда бу ишоралар эркаклар ва аёллар нутқида аралаш ҳолда кузатилади.

Нутқий мулоқотда оёқлар ҳаракати ҳам маъно ифодалаш нуқтаи назаридан анча пассив ҳисобланади. Шундай бўлса-да, нутқий мулоқотда уларнинг айрим кўринишларини кузатиш мумкин. Бу ишоралар ўзида гендер хусусиятларни акс эттириб, нутқий мулоқотда қўлланишига кўра эркаклар ва аёлларда фарқланади. Масалан, *бурчак ҳосил қилган оёқ чалиштириши* – бу эркакларга хос, *оёқларни чалиштириши* – аёлларга хос ҳисобланади.

Нутқий мулоқотда гавда ҳаракатлари ҳам маълум прагматик мазмун ифода этади. Инсон маълум ахборотни қабул қилганда ёки маълум ҳолатда ҳиссий таъсирни ташқи шаклда намоён қилади. Севинч, хурсандчилик, жаҳл, аччиқланиш ва шу каби психологик ҳолатлар унинг хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Нутқий мулоқотда гавда ҳаракатларининг эркакларга хос бўлган қуйидаги жиҳатларини кузатиш мумкин: *мастона-мастона чайқалиши, туфлаши, кўкрак керши* ва ҳ.к.

Нутқий мулоқотда гавда ҳаракатларининг аёлларга хос бўлган қуйидаги жиҳатларини кузатиш мумкин: *қилтиллаши, лаши-лушини тўзрилиши, уялиши, чопқиллаши, терс бурилиши, кўкракка туфлаши* ва ҳ.к.

Гавда ҳаракатларининг таҳлили шуни кўрсатдики, нутқий мулоқотимизда фаол қўлланадиган гавда ҳаракатларининг 12% эркакларга хос, 24% аёлларга хослиги билан индивидуаллик касб этади. Бу ишораларнинг 64% умумий характер касб этиб, ҳар икки жинс вакиллари мулоқотида аралаш ҳолда кузатилади.

Умуман олганда, ишоравий новербал воситалар нутқий мулоқотда ўзига хос ўрин эгаллаб, нутқий мулоқот иштирокчилари мақсадининг тўлиқ юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Ишоравий новербал воситаларнинг 34% эркакларга хос, 17% аёлларга хослиги билан индивидуаллик касб этади. Бу ишораларнинг 49% умумий характер касб этиб, ҳар икки жинс вакиллари мулоқотида аралаш ҳолда кузатилади. Таҳлил натижаларидан кўринадик, ишоравий новербал воситаларнинг эркакларга хос кўринишлари аёлларга хос бўлган новербал воситалардан кўпроқни ташкил қилар экан.

Мимика киши юзининг маъноли ҳаракатларидан иборатдир. Мимикалар ҳам ишоралар сингари адресат учун мўлжалланган бўлади, бошқа ҳолларда ҳам маълум ахборотни бериш учун ишлатилади. Юз ўзгаришлари ифодаланаётган фикрни тўлдириш, ўрнини босиш ва кузатиб бориш мақсадида қўлланади. Мимик новербал воситалар эмоционал-психологик, рамзий, тасвирий ва кўрсатувчи ишоравий маъноларни ифодалаб келади. Юз инсон жисмоний киёфасининг муҳим тавсифловчисидир. Юз мушакларининг қисқариши ундаги ифодани ўзгартиради ва инсоннинг ҳолати ҳақида хабар беради. Улар лаб, кўз, қош, тил, тиш, бурун ва юз мускулларининг ўзгариши

натижасида турли маъноларни билдиради. Мимик новербал воситалар ҳам эркаклар ва аёлларда турлича кўринишларда намоён бўлади.

Мимик ҳаракатларнинг эркаклар нутқида кўп кузатиладиганлари қуйидагилар: *лабларни оҳиста-оҳиста очииш, лаблар титрашии, лабни ялаш, кўзни лўқ қилиши, кўзни олайтириши, газаб билан қараши, кўз қисиши, кўзлари ола-кула бўлмоқ, ўқраймоқ, суҳбатдошининг юзига тик боқиб туриб гапиршии ёки тинглаши, тишларни гичирлатмоқ, бўзраймоқ, бўзариши (гезариши), юзни буриштириши, гижиниши, ижирганиши.*

